

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ТИЛАКОВА МАВЖУДА АШУРОВНА

**VIII-IX СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА СИНФДАН ТАШҚАРИ
МАШҒУЛОТЛАРДА КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(PhD) on pedagogical sciences**

Тилакова Мавжуда Ашуровна

VIII-IX синф ўқувчиларида синфдан ташқари машғулотларда креатив
қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари.....3

Тилакова Мавжуда Ашуровна

Педагогические условия развития креативных способностей учащихся
VIII-IX классов на внеаудиторных занятиях.....21

Tilakova Mavjuda Ashurovna

Pedagogical conditions for the development of creative abilities of high
school 8-9 students in the process of education.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....41

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ТИЛАКОВА МАВЖУДА АШУРОВНА

**VIII-IX СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА СИНФДАН ТАШҚАРИ
МАШҒУЛОТЛАРДА КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2018.1.PhD/Ped 384 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (chdpi.uz.ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мардонов Шукрулло Қўлдошев
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эркабаева Нигора Шерматовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги PhD.28.03.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» __27 10 _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.Х. Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
Ўринбосари, физика-математика фанлари
доктори, доцент

Ф.Т.Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, география фанлари буйича
фалсафа доктори (PhD)

Р.А.Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим соҳасини модернизация қилиш, ўқитишнинг методик таъминотини замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш амалиётига эътибор кучайтирилган. Бугунги кунда таълимнинг натижавийлигини таъминлаш ҳисобига ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш масалалари АҚШ (University of California), Германия (Technische Universitat Darmshtadt), Чехия (University of Ostrava), Англия (Gambriage University), Россия (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети) каби ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетларида тадқиқ қилинмоқда.

Дунёда таълимни замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талаблари асосида диверсификациялаш, ўқитишни янги стратегияларга мослаштириш, таълимий ахборот тузилмаси негизини касбий педагогик фаолиятга алоқадор параметрлар доирасида ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари бўйича тадқиқот ишлар олиб борилмоқда. Ўқитиш моделларини технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, таълим жараёнида ўқувчиларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш тизими мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштиришга эътибор қаратилган.¹ Креатив фикрлайдиган ўқувчи-ёшлар салоҳияти ва иқтидорини ривожлантириш, модификациялашган таълим мазмунига замонавий технология ва инновацияларни киритиш лозимлиги таъкидланган. Таълим олувчиларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг самарали шакл, методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни таъминловчи меъёрий, моддий-техник ва ҳуқуқий ахборот базасини яратиш каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунара таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 4-сон, 69 модда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақил ҳамдўстлик давлатлари олимларидан Л.Выготский, А.Леонтьев, Д.Эльконин, О.Васильченко, Э.Мелькумова, В.Мирецкая, М.Сухомлинова, Э.Эммануэль кабиларининг илмий ишларида шахс ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг назарий асослари ўрганилган. Е.Р.Torrance, N. Rogers, J.Purnell, P.Roberts, A.M.Galligan, Sh.Tatsuno каби хорижий олимларнинг ишларида шахснинг индивидуал қобилиятлари, ижодий салоҳиятини намоён этиш масалалари очиқ берилган. Ижодкор шахсни тарбиялашнинг умумпедагогик жиҳатлари республикамиз олимлари О.Мусурмонова, Ш.Шарипов, Ш.Мардонов, С.Нишонова, Д.Рўзиева, Б.Ходжаев, Д.Шарипова, М.Қуронов, А.Нурманов, С.Аннамуратова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Ўқувчи шахсининг креатив қобилиятларини шакллантиришнинг психологик ва акмеологик хусусиятлари Э.Ғозиев, М.Давлетшин, Д.Мухамедова, С.Сафаев каби олимлар томонидан ўрганилган. Бу умумтаълим муассасалари VIII-IX синф ўқувчиларининг тарихий-маданий материаллар асосида креативлик қобилиятларини ривожлантириш заруриятини кўрсатмоқда.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади VIII-IX синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини синфдан ташқари машғулотлар жараёнида ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларда креатив қобилиятларни ривожлантиришга оид миллий ва жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

тарихий-маданий материаллар асосида юқори синф ўқувчиларида креатив қобилиятини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг креатив қобилиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини таркиб топтиришнинг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти VIII-IX синф ўқувчиларида креатив қобилиятларни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Сирдарё, Навоий, Жиззах вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактабларидаги 290 нафар ўқувчи жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети VIII-IX-синфда креатив қобилиятларининг ривожлантиришни мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, педагогик мониторинг, сўровнома, тест, сухбат, математик-статистик каби тадқиқот ва таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг психологик (қобилият, қизиқиш, эҳтиёж), интеллектуал-ижодий фаолияти (муаммони ечишга мотивацион ёндашув, синфдан ташқари машғулотлар жараёни тузилмавий мазмуни, тарихий-маданиятшунослик материални интеллектуал-ижодий идрок қилиш) ва педагогик.(интеллектни ривожлантиришга интилиш, ўз-ўзини англаш, иродавийлик, ишчанлик, ахлоқ-одоб ва бошқа фазилатлар) омиллари (мотивацион омил, қобилият, қизиқиш, эҳтиёж, идрок қилиш, ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий фаолияти, уни ривожлантириш схемаси, модели) аниқлаштирилган;

юқори синф ўқувчиларининг креатив (муаммонинг ностандарт ечимини топиш, инсоннинг тафаккур, мулоқот фаолиятдаги иждодий имконияти, қобилияти) қобилиятлари (тизимли ҳаракатлар, таҳлил синтез-таҳлил, иждодий ифодалаш, умумлаштириш, хулосалаш) интерфаол (гуруҳда ишлаш, ролли ўйинлар, кластер ва бошқалар) усуллар воситасида ривожлантиришнинг ички (автоген, рефлексия) ва ташқи (инновацион таълим муҳити) синф ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда креативлик қобилиятини ривожлантириш модели (нусха кўчириш орқали атроф-муҳитни англаш, ҳис қилиш) тарихий-маданий ёдгорликларни синфдан ташқари машғулотларда (саёҳат дарси, маърузалар конференциялар, сухбат, мини-баҳс мунозараларда) рефлексив (ҳис этиш ва ундан фойдаланиш, тафаккур тезлиги, аниқлиги, ўзгарувчанлиги) ўрганиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг креативлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган дидактик топшириқларни бажариш методлари (вариантларни танлаш, тизимли оператор, ихтирокчилик масалаларини ечиш алгоритминини қўллаш) интерфаол таълим технологиялари (тарихий атамалар занжири, кластер, БББ) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганиш бўйича синфдан ташқари машғулотлар учун муаллифлик дастури ишлаб чиқилган ва улар “Саёҳат дарси”, “Зиёрат дарси”, “Мозийга бир назар” каби дарс машғулотлари орқали амалиётга жорий этилган;

юқори синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти (методик тавсиялар, методик қўлланма, монография) яратилган ва амалиётга татбиқ этилган;

Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда креатив қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган тажриба-

синов ишлари ўтказилиб, олинган натижалар асосида илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самардорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори синф ўқувчилари креатив қобилиятларини ривожлантириш механизмларининг асосланганлиги, психологик ва педагогик омилларининг аниқланганлиги ҳамда ўқувчилар креатив қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқланганлиги билан белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда олинган натижалар умумий ўрта таълим мактабларида синфдан ташқари машғулотлар сифатини такомиллаштириш дарс машғулотлари сифатини оширишга хизмат қилган. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш курслари самарасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. VIII-IX синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш бўйича олинган натижалар асосида:

ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг психологик ва педагогик жиҳатларини аниқлаштиришга доир таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори 3-илоvasи билан тасдиқланган «Умумий ўрта ва ўрта-маҳсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари» мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-194-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг креатив қобилиятлари, қизиқиши, эҳтиёжлар тўғрисидаги тасавурлари бойитилган;

ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ижодий ўрганиш жараёнида ривожлантиришнинг такомиллаштирилган технологияларидан ПЗ-2017-927124 «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-194-сон маълумотномаси). Натижада, юқори синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларининг шаклланишига эришилган;

юқори синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш модели ҳамда Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганишга доир таклифлардан Халқ таълими вазирининг 2017 йил 3 июлдаги «Умумий ўрта таълимнинг Давлат

таълим стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида»ги 190-сон буйруғи билан тасдиқланган VIII-IX синфлар учун Ўзбекистон тарихи фанининг ўқув дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-194-сон маълумотномаси). Натижада, юқори синф ўқувчиларининг тарихий-маданий ёдгорликлар бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга эришилган;

юқори синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Сирдарё, Навоий, Жиззах вилоятларидаги умумтаълим мактабларида ўқиш жараёнида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-194-сон маълумотномаси). Натижада, тарих ва адабиётшунослик йўналишидаги ўқув фанлари мазмунининг бойишига ҳамда ўқувчилар билимининг оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Замонавий ўқувчи шахсида креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида замонавий ўқувчи шахсини маънавий, интеллектуал ва ижодий жиҳатдан ривожлантириш муаммоси долзарб аҳамиятга эга ижтимоий-педагогик ва устувор масала сифатида таҳлил этилиб, креатив қобилият, интеллект, интеллектуал фаолият, ижод, ижодкорлик, интеллектуал ижодкорлик, интеллектуал-ижодий қобилият, ижодий тасаввур,

интеллектуал-ижодий жараён, фаолият каби тушунчалар илмий-педагогик жиҳатдан талқин этилган.

Интеллектуал-ижодий қобилиятлар шахснинг таъсирчанлиги, предметни идрок қилишининг кучлилиги ва яхлитлиги, у тўғрисида кенг маълумотларга эга бўлишлиги, тафаккур ўзгарувчанлиги ва тезкорлиги (тез, хилма-хил, ўзига хос), мантиқий ва саводли мулоҳаза юритиш, тизимли ҳаракатлар, синтез-тахлил-синтез, иждодий ифодадай билиш, умумлаштириш ва хулосалаш, ўз фикрига эга бўлиш, ишни охиригача етказиш, ишчанлик, ўз билимларини бошқаларга етказа олиш каби асосий креатив фазилатлар мажмуи бўлиб, нафақат юксак иждодий ривожланишни, балки умуман шахс ривожланишининг муҳим омили, ҳар қандай фаолиятдаги муваффақият гарови, кишилар билан мулоқот, кундалик фаолиятдаги ютуқлар омили. Креатив қобилиятнинг асосий мезонларини эгилувчанлик (ақлий тафаккур), тезкорлик (вақт бирлигидаги ғоялар сони), ўзига хослик (тафаккур, янги ғоялар), метафора (ғайриоддийлик, ғаройиблик), ғоя ва тафсилотларни идрок қилиш, сезувчанлик, қизиқувчанлик (хайратланиш қобилияти, синчковлик, очиклик), аниқлик (аниқ фикрлаш қобилияти), такомиллаштириш, иждод маҳсулига тугалланганликни бахш этиш, дадиллик кабиларни ташкил қилиб, улар зарур мотивация асосидагина ривожланади. Креатив қобилиятга хос асосий хусусиятлар қаторига ўзига хос тафаккур, мустақил, дадил, шахсий фикр; муайян масала ечимини топишда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ҳал этишга кўчириш; объектни унинг қисмларининг бирлигида, яхлитликда идрок қилиш; таҳлил қилиш ва синтезлаш қобилияти; керакли ахборотни зарур пайтда узатиш; турлича идрок қилиш, кузатиш, текшириб бориш; ўхшатиш, ички туйғуни (интуицияни) ишга солиш; ажрата билиш, талқин қилиш; иждодий тахмин қилиш ва тасаввур этиш; якунига етказиш, такомиллаштириш; акс эттириш, тубдан ўзгартириш кабиларда ҳам намоён бўлади.

Диссертациянинг «**VIII-IX синф ўқувчиларида креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг психологик-педагогик ва дидактик мазмуни**» номли иккинчи бобида муаммонинг психологик-педагогик жиҳатлари ёритилиб, машғулотларни ташкил этиш, педагоглар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, машғулотларни такомиллаштириш ва ўтказиш принциплари, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти даражалари илмий асослаб берилган.

VIII-IX ўқувчилари шахси, бу ёшга хос бўлган психологик хусусиятлар (қобилиятлар, қизиқишлар, эҳтиёжлар); шахснинг ривожланиш омиллари, мотивацион омил, қобилият, қизиқиш, эҳтиёж, идрок қилиш, фаолият (ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий фаолияти, уни ривожлантириш схема си, модели) таҳлил этилган. Мактаб ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш схемаси, алгоритмлари, тарихий маданиятшунос-ликка оид материаллар қадимий меъморчилик ёдгорликларини интеллектуал-ижодий жиҳатдан ўрганиш, идрок қилиш, таҳлил қилинган. Мазкур бобда Ўзбекистон тарихий-маданий меросини синфдан ташқари машғулотларда ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш

мезонлари ва кўрсаткичлари такомиллаштириш юзасидан асосий талаблар ишлаб чиқилган.

Ўзига хос хусусияти – бу ҳаётга оид режаларни белгилаш ва шакллантириш. Ижтимоий хулқ-атворда муҳим аҳамиятга эга бўлган қадриятли йўналишларнинг фаол вужудга келиши содир бўлади. Ўз-ўзини баҳолаш, жамоатчилик фикрига қараб ўз йўналишини аниқлаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ақлий фаолият анча фаол, интеллектуал-ижодий ва бадиий ижодий ҳаваслар, ўз-ўзини ижодий жиҳатдан ифодалашга қаратилган интилиш пайдо бўлади. Умуман олганда, VIII-IX синф ўқувчилар дунёқарашига оид нуқтаи назарларнинг шаклланиши, феъл-атворнинг, идрок қилишга оид фаолликнинг қарор топиши, фикрлаш ва креатив қобилиятларнинг қизгин ривожланиши даври. Бу даврда ўз ички дунёсининг кашф қилиниши содир бўлади. Ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ифодалаш ва ўзини ўзи ўстириш жараёни (айнан, креатив фаолият, хусусан, интеллектуал-ижодий фаолият жараёни) авж олади.

VIII-IX синф ўқувчилари креатив қобилиятларини ривожлантириш жараёни самарадорлигини ошириш назарий жиҳатдан ишлаб чиқиладиган дидактик ёндашувлардан иборат бўлиб, ушбу жараёнда амалга ошириладиган вазифалар белгиланган ҳамда самарадорлигини оширишда амал қилиш муҳим бўлган принциплар ва уларни амалга ошириш босқичлари аниқланган. Машғулот мавзуларини лойиҳалаш, мақсадини ва унга эришиш йўлида бажариладиган вазифаларни белгилаш, унинг ташкилий шакл, усул, восита ва методларини танлаш синфдан ташқари дарсларни ташкил этиш машғулотлари самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Шу мақсадда биз машғулот самарадорлигини оширадиган муҳим вазифаларни белгилаб олдик:

психологик-педагогик, ҳиссий-ижобий кайфият ва мотивациявий анланган муносабат интеллектуал-ижодий фаолиятга қўйиладиган талабларнинг англаб олиниши = маънавий кучлар шахс креативлигининг сафарбар этилиши = ижодий ишлар ва топшириқлар, фаолиятда, шу жумладан, креативлик ўз мавқеини аниқлаб олишга оид ижтимоий - коммуникатив шароитларда фаол интеллектуал-ижодий тарзда ўз-ўзини намоён этиш.

Ўқувчилар томонидан тарихий-маданий ёдгорликларни идрок қилиш алгоритми:

1. Ҳиссий-ҳиссий идрок этиш.
2. Ижодий фаразни ишга солиш билан фаол анланган тарзда идрок қилиш, мантикий-бадиий таҳлил: умумий қиёфаси, силуэти, чизиқлари, шакллари, композицияси, конструкциялари.
3. Томонлари қисмлари, парчалари, бадиий-архитектура элементлари, умумлашган ҳолда идрок қилиш ҳозирда аҳамиятга эга бўлган.
4. Тарихий ёдгорлик, унинг қурилиши тўғрисидаги дастлабки тарихий-маданий ахборот.

5. Иккиламчи тарзда идрок қилиш – таассурот. Ёдгорлик тўғрисида миллий мерос ва жаҳон қадрияти сифатида мулоҳаза юритиш. Қадимий меъморчилик иншоотига нисбатан ўз муносабатини билдириши.

Диссертациянинг «Ўзбекистон тарихий-маданий меъморчилик ёдгорликларини ўрганиш жараёнида VIII-IX синф ўқувчиларида креатив қобилиятларни ривожлантириш самарадорлиги» деб номланган учинчи бобида синфдан ташқари машғулотларда юқори синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари самарадорлиги акс эттирилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш мезонлари.

	Мезонлар	Мазмуни
Мотивацион	Креатив қобилиятларни ривожлантиришга нисбатан қизиқиш, ўз интеллектуал потенциални ривожлантиришга нисбатан истак	Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганишда ўз креативлиги-интеллектуал-ижодий қобилиятлари, ўз креатив потенциални ривожлантиришга қизиқиш, истак, интилиш, анланган эҳтиёж Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий ёдгорликларни креатив ўрганиш машғулотларига нисбатан фаол муносабат.
Когнитив	Креатив тушунчасини, ундаги интеллектуал-ижодий қобилиятлар (уларнинг моҳияти, уларга қўйиладиган талаблар)-нинг моҳияти, ўрни ва аҳамиятини билиш - тушуниш – англаш.	Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий меъморчилик ёдгорликларини креатив-интеллектуал-ижодий тарзда ўрганиш: тарихи, ғоявий-функциявий вазифаси; бадиий-эстетик хусусиятлари; миллий қадрияти ва умуминсоний аҳамияти
Фаолиятли-функционал	Иждодий топшириқлар ва интеллектуал-ижодий ишлардаги эгалланган таассуротлар, эмоциялар, ҳиссиётлар, билимлар, тушунчалар ва тасаввурлар, креатив қобилиятларни креатив тарзда акс эттириш.	Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий, бадиий-меъморий ёдгорликларни фаол креатив идрок қилиш ва ўрганиш. Креатив-интеллектуал иждодий “маҳсулот”ни турли мактаб жамоаларида ўқиш учун тайёрлаш ва амалга ошириш (ижтимоийлаштириш)
Рефлексив-қадриятли	Ўз-ўзини баҳолаш. Ўзини ўзи креатив жихатдан ўстиришга қаратилган шайлик	Ўз-ўзини ўстириш жараёнида юқори синф ўқувчиларида ижтимоий-шахсий мотивация; касбий ва ҳаётий истиқболни “ҳис этиш”; қиладиган ишларини режалаштириб бориш, креатив интеллектуал-ижодий хусусиятларнинг ортиши ва мустаҳкамланиши, ўз қобилиятини билиш, уни ривожлантириш, ўз-ўзини бошқариш, тартибга солиш, назорат қилиш, коррекциялаш такомиллаштириш баҳолаш кабилар.

Тажриба-синов ишлари Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятларининг умумтаълим мактаблари, институтилари ҳамда малака ошириш институтларида бўлиб ўтган. Тажриба-синов ишларининг натижадорлиги анкета сўровлари, тестлар, сўровномалар (индивидуал, фронтал), «аклий ҳужум» каби диагностик методлар ёрдамида аниқланди.

Тажриба-назорат ишларига 290 нафар ўқувчи - шундан, тажриба гуруҳларида -147 нафар, назорат гуруҳларида - 143 нафар ўқувчи жалб этилди. Ўзбекистон тарихий-маданий меросини ўрганишда креатив ёндашув мавзуси бўйича ўқувчиларга бир неча иш турлари асосида топшириқлар берилганида, назорат ва тажриба гуруҳларида натижалар қуйидагича бўлди (2-жадвалга қarang).

2-жадвал

Топшириқлар бўйича назорат ва тажриба гуруҳларидан олинган қиёсий натижалар (%)

Т/р	Иш турлари	Тажриба гуруҳи 147 нафар ўқувчи	Назорат гуруҳи 143 нафар ўқувчи	$\varphi_{эмт}$	$\varphi_{крит}$	Мезоний хулосаси
1	Рефератлар	36	18	3,4	1,67	H ₁
2	Фикр-мулоҳазалар, “ўз-ўзини тадқиқ қилиш”	52	22	5,4	1,67	H ₁
3	Қадимий меъморчилик ёдгорликларини идрок қилиш-таҳлил этиш бўйича ишлар	32	6,66	5,8	1,67	H ₁
4	Кичик маъруза ва маърузалар	29,33	10	4,2	1,67	H ₁
5	Креатив тафаккур ва меъморий-ижодий тасаввурга қаратилган топшириқлар	22	8	3,4	1,67	H ₁
6	Маърузани тинглаб кўриш бўйича топшириқларни охиригача етказиш юзасидан топшириқлар	16	6	3,2	1,67	H ₁
7	Маъруза-суҳбат мавзуси бўйича тавсиялар	12	3,33	2,8	1,67	H ₁

Хулоса: H₁ фараз қабул қилинганлиги ва $\varphi_{эмт} > \varphi_{крит}$ бўлгани учун тажриба ва назорат гуруҳларида ўқувчиларнинг билим даражалари бир-биридан

фарқ қилади. Тажириба гуруҳи ўқувчиларининг турли топшириқларни бажариш даражаси назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги исботланди.

Тажириба-назорат жараёнида муайян машғулотлардан сўнг ўқувчиларнинг муҳим интеллектуал-ижодий ишлари натижалари математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилинди. Жумладан, Самарқанднинг муқаддас тарихий-маданий ёдгорликлари мавзусида ўтказилган машғулотлар мазмуни ва олинган натижаларга тўхталиб ўтамиз. Мазкур мавзу бўйича маъруза ва суҳбат-диалогда қадимий меъморчилик ёдгорликларининг VIII-IX синф ўқувчилари томонидан креатив-интеллектуал-ижодий ўрганилиши; тарихий-маданий ёдгорликларни идрок қилиш ва меъморий-бадий жиҳатдан таҳлил қилиш; ўқувчиларни мавзу бўйича интеллектуал-ижодий ишларга жалб қилиш, уларни мактабда турли коммуникатив даражалардаги тадбирларга тайёрлаш каби ишлар амалга оширилди.

Ушбу мавзу асосида амалга оширилган машғулотлардан сўнг ўқувчиларнинг муҳим интеллектуал-ижодий ишлари натижалари қуйидагича бўлди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.

Маданий ёдгорликлар мавзуси бўйича ўқувчиларнинг энг муҳим интеллектуал-ижодий ишлари натижалари (%)

Т/р	Иш турлари	Тажириба гуруҳи (147 ўқувчи)	Назорат гуруҳи (143 ўқувчи)	$\varphi_{эмт}$	$\varphi_{крит}$	Мезоний хулосаси
	Тарихий обзорлар, очерклар, историографиялар	36	12	2,7	1,67	H ₁
2.	Қадимий меъморчилик санъати тўғрисида мақолалар, унинг таърифи. Экскурсия матни.	16	6	4,6	1,67	H ₁
3.	Рефератлар	40	16	4,6	1,67	H ₁
4.	Маърузалар.	28	8	5,1	1,67	H ₁
5.	Таассуротлар, иждодий тафаккур, иждодий тасаввур	50,6	22	6,9	1,67	H ₁
6.	Идрок қилиш-таҳлил этиш (алгоритмланган)	56	18	8,6	1,67	H ₁
7.	Қиёслаш, солиштириш	44	4,66	4,2	1,67	H ₁
8.	Тасвирий-ижодий ишлар	52	28	4,6	1,67	H ₁
9.	Иждодий таржимага оид ишлар	28	8	9,8	1,67	H ₁
10.	Қадимий тарихий масканлар тўғрисида ахборот-англаш, тушунчавий, матнли, фотоиллюстратив, шеърий, насрий таърифлаш, ранг тасвирга оид ишлар, библиографик материалларни излаш, танлаш, тизимлаштириш	85,3	32	2,7	1,67	H ₁

Хулоса: H_1 фараз қабул қилинганлиги ва $\varphi_{эмт} > \varphi_{крит}$ бўлганлиги учун тажриба ва назорат гуруҳларида ўқувчиларнинг билим даражалари бир биридан фарқ қилади. Тажриба гуруҳи ўқувчиларининг “Буюк тарихий-маданий ёдгорликлар” мавзусидаги машғулотлардан сўнг сифат кўрсаткичлари юқори эканлиги статистикаси тўғрилигини исботлади.

Ўқувчи шахсида креативлик қобилиятларнинг ривожланиши ва такомиллаштирилишида ижтимоий-шахсиятли мотивациясининг аҳамияти, Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини билиш даражаси, Ўзбекистон қадимий меъморчилик ёдгорликларининг ҳиссий идрок қилиниши, бадиий-меъморий таҳлили ва эстетик жиҳатдан англаниши, Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларининг креатив ўрганилиши ва интеллектуал-ижодий қобилиятларни фаоллаштиришни талаб этадиган топшириқ ва интеллектуал-ижодий ишларнинг бажарилиши, турли коммуникатив даражаларда мактаб социумида ўз интеллектуал-ижодий маҳсулотини ижтимоийлаштириш кабилар бўйича ўқувчиларда креативлик қобилиятининг ўсиш динамикаси тажриба гуруҳида 93% гача ижобий натижаларни қайд этиш имконини берди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал.

VIII-IX синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг асосий мезонлари бўйича якуний натижалари (%)


Мезонлар	Тажриба гуруҳи - 147 нафар	Назорат гуруҳи - 143нафар	$\varphi_{эмт}$	$\varphi_{крит}$	Мезоний хулосаси
I. Мотивацияли	93,3	44,3	9,8	1,6	H_1
II. Когнитив - ахборот-билишга оид: Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликлари тўғрисида билимга эга бўлиш: креатив ўрганиш Қадимий-меъморчилик ёдгорликларини идрок қилиш таҳлил этиш (алгоритм бўйича)	86,6	34,6	9,6	1,6	H_1
III. Фаолиятли – функционал: интеллектуал - ижодий ишлар. Талаб даражасида бажарилиши. Интеллектуал-ижодий “маҳсулот”нинг ижтимоийлаштирилиши	89,3 92	37,3 32	9,8 11,6	1,6 1,6	H_1 H_1
IV.Рефлексив-қадриятли	92	32	11,6	1,6	H_1

Ушбу жадваллар маълумотлари математик - статистик усуллари орқали таҳлил қилинди. Бундай баҳолашнинг статистик усулларида бири Фишер мезони. Бу мезон орқали юқорида келтирилган жадваллар ва уларнинг натижаларининг ҳаққонийлигини текширишнинг статистик таҳлили олиб борилди. Бунда Фишер мезонининг эмпирик қийматини ҳисобловчи формуласи.

$$\varphi_{\text{ЭМП}} = |2\arcsin\sqrt{p_1} - 2\arcsin\sqrt{p_2}| \cdot \sqrt{\frac{n_1 \cdot n_2}{n_1 + n_2}}$$

Бу ерда: p_1, p_2 ўзлаштириш кўрсаткичлари; n_1, n_2 лар мос равишда назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўқувчилар сони, бунда статистик мезоннинг қийматдорлик даражаси $\alpha=0,05$ га тенг бўлиб, Фишер жадвалидаги критик қиймат $\varphi_{\text{крит}}(0.05) = 1.67$ га тенг.

Ушбу мезон асосида қуйидаги статистик фаразини илгари сурамиз. H_0 фараз сифатида $\varphi_{\text{ЭМП}} < \varphi_{\text{крит}}$, яъни олинган натижалар самарали эмас, H_1 фараз сифатида эса $\varphi_{\text{ЭМП}} > \varphi_{\text{крит}}$, яъни олинган натижаларда фарқ мавжуд бўлиб, у самарадорликка эга деб оламиз. Тажриба-синов ишларининг статистик натижалари умумлаштирилиб, қуйидаги расмда берилган.



Расм 1. Тажриба ва назорат гуруҳларида ўқувчилар креатив қобилиятларининг ривожланганлик даражаси

ХУЛОСА

1. VIII-IX синф ўқувчилари креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик асослари (структуравий-мазмундор регламент, тадқиқ қилинаётган жараённинг педагогик тизими, машғулотлар шакли, технологиялар, фойдаланиладиган анъанавий, ноанъанавий, инновацион методлар) таклиф қилинган мезонлар бўйича такомиллаштирилди;

2. Ўқувчилар креатив қобилиятларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари, таълим олувчиларнинг интеллектуал - ижодий фаолияти ва ижтимоий - коммуникатив фаолиятига мувофиқ равишда шакллантирилди.

3. Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганиш жараёнида эгалланган таассуротлар, билимлар, туйғулар ва ҳиссиётларни фаолиятнинг турли жабҳаларида интеллектуал - ижодий акс эттирилди. Интеллектуал-ижодий “маҳсулот” ижтимоий - коммуникатив татбиқ қилинди.

4. Тадқиқотда илгари сурилган педагогик асосларнинг амалий моҳияти синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларда креатив қобилиятни ривожлантириш технологиялари вариантларида, энг қулай анъанавий, ноанъанавий метод, усул ҳамда воситаларида ўз аксини топди.

5. Педагогларнинг тайёргарлигига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди ҳамда машғулотларда ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган ўқув-билиш жараёни креатив қобилиятлари шакллантирилди, креатив билим даражалари ривожлантирилди.

6. Ўзбекистон тарихий маданий ёдгорликларини креатив ўрганиш бўйича синфдан ташқари машғулотлар учун муаллифлик дастури ишлаб чиқилди ва улар “Саёҳат дарси”, “Зиёрат дарси”, “Мозийга бир назар” каби дарс машғулотлари орқали амалиётга жорий этилди.

7. Юқори синф ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти (методик тавсиялар, методик қўлланма, морография) яратилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Ўзбекистон тарихий маданий ёдгорликларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда креатив қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган тажриба-синов ишлари ўтказилди, олинган натижалар асосида методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Синфдан ташқари машғулотларда Ўзбекистон тарихий маданий ёдгорликларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришда синфдан ташқари машғулотларни лойиҳалаш ва режалаштириш, уларни методик таъминотини яратиш, машғулотлар жараёнида диагностик ва коррекцион методикалардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Синфдан ташқари машғулотларда тарихий маданий ёдгорликларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда креативликни ривожлантириш, уларда ташаббускорликни ривожлантиришнинг турли моделлари, ташкилий шакл, метод, восита ва технологияларининг уйғунлигига алоҳида этибор қаратиш лозим.

3. Синфдан ташқари машғулотлар жараёнида Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганиш жараёнида юқори синф ўқувчиларида креатив қобилиятларни ривожлантиришда герменевтик (англаш назарияси) технологиясидан фойдаланиш, уларнинг ички кечинмалари, хотиралари, тасаввурлари ва орзу мақсадларини фаоллаштиришга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.03.2019.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ЧИРЧИКСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

ТИЛАКОВА МАВЖУДА АШУРОВНА

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ РАЗВИТИЯ КРЕАТИВНЫХ
СПОСОБНОСТЕЙ УЧАЩИХСЯ VIII-IX КЛАССОВ НА
ВНЕКЛАССНЫХ ЗАНЯТИЯХ**

13.00.01- Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В 2018.1.PhD/Ped 384.

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу (www.chdpi.uz и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адрес (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:

Мардонов Шукрулло Кулдошевич
доктор педагогических наук, профессор

Расмий оппонентлар:

Эркабаева Нигора Шерматовна
доктор педагогических наук, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2019.Ped.28.01 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области по адресу 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Амира Темура, 104-дом. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирована под номером _____). Адрес: 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Амира Темура, 104-дом. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(протокол реестра № _____ от _____ 2019 года).

Б.Х. Эшчанов

Заместитель председателя научного
совета по присуждению ученых степеней
д.ф.м.м., доцент

Ф.Т. Ражабов

секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор философии по
геогр. наукам (PhD)

Р.А. Эшчанов

председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.б.н, доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире происходит усиление внимания модернизации образования, практике совершенствования методического обеспечения обучения в соответствии с современными тенденциями его развития. В настоящее время вопросы развития креативных способностей учащихся за счет обеспечения результативности образования исследуются в ведущих университетах таких развитых стран мира как США (University of Galifornia), Германия (Technische Universitat Darmshtadt), Чехия (University of Ostrava), Англия (Gambridge University), Россия (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет).

В мире проводятся исследования по диверсификации образования в соответствии с современными и перспективными требованиями рынка труда, оптимизации обучения по новым стратегиям, теоретико-практическим основам развития базы инфраструктуры образовательной информации в рамках параметров, относящихся к профессионально педагогической деятельности. Особую значимость приобретает гармонизация моделей обучения с идеями технологического прогресса, развитие креативных способностей учащихся в образовательном процессе.

В образовательных учреждениях нашей республики особое внимание уделено формированию конкурентной среды в области подготовки кадров, совершенствованию содержания системы подготовки кадров в соответствии с перспективами социально-экономического развития страны, потребностями общества, современными достижениями науки, культуры, техники и технологии.² Утверждена необходимость развития потенциала и дара креативно мыслящей молодежи, введения в содержание модифицированного образования новых технологий и инноваций. Определены задачи создания нормативной, материально-технической и правовой базы, обеспечивающей разработку и внедрение в практику эффективных форм, методов развития у обучаемых креативных способностей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Указе № ПУ-4947 Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июля 2018 года, № ПП – 4119 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы контроля качества образования» от 16 января 2019 года, а также в ряде других, касающихся этой деятельности, нормативно-правовых актов.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 4-сон, 69 модда.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В научных работах таких ученых стран СНГ как Л.Выготский, А.Леонтьев, Д.Эльконин, О.Васильченко, Э.Мелькумова, В.Мирецкая, М.Сухомлинова, Э.Эммануэль изучены теоретические основы развития творческих способностей личности. В работах зарубежных ученых E.P.Torrance, N. Rogers, J.Purnell, P.Roberts, A.M.Galligan, Sh.Tatsuno раскрыты вопросы демонстрации индивидуальных способностей и творческого потенциала личности. Отечественными учеными О.Мусурмоновой, Ш.Шариповым, Ш.Мардоновым, С.Нишиновой, Д.Рўзиевой, Б.Ходжаевым, Д.Шариповой, М.Куроным, А.Нурмановым, С.Аннамуратовой и другими исследованы общепедагогические аспекты воспитания творческой личности учащегося. Психологические и акмеологические особенности формирования креативных способностей у учащегося изучены Э.Газиевым, М.Давлетшином, Д.Мухамедовой, С.Сафаевым. Все это показывает необходимость развития креативных способностей у учащихся VIII-IX классов общеобразовательных учреждений.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках практического проекта ПЗ-2017-0927124 «Развитие педагогической деятельности в образовательных учреждениях на основе сотрудничества» научно-исследовательского плана Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области.

Целью исследования является развитие креативных способностей учащихся VIII-IX классов в процессе внеаудиторных занятий.

Задачи исследования:

изучение национального и зарубежного опыта по развитию у учащихся креативных способностей и определение его особенностей;

совершенствование технологии развития у учащихся старших классов креативных способностей на основе историко-культурных материалов;

совершенствование модели развития креативных способностей учащихся;

